
Ўзбекистон тумани бўйича “Ташаббусли бюджет” да кўп овоз олиб, бироқ ғолиб бўлмаган қўшимча 9 та лойиҳа молиялаштирилади-
Президент қарори

Президент қарорига мувофиқ, 2022 йилнинг февраль-март ойлари давомида ўтказилган ташаббусли бюджет жараёнларида фуқароларимизни фаол иштирокини инобатга олган ҳолда ғолиб деб топилган 2 215 та лойиҳаларга қўшимча, ҳар бири 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган 139 та лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшимча равишда республика бюджетидан 85,4 млрд. сўм маблағ ажратилиши белгиланди.

Хусусан, Ўзбекистон тумани бўйича **Учбулак маҳалласи инфратузилмасини яхшилаш, 21, 17, 36, 8, 26, 59 ва 48-умумтаълим мактаблари ҳамда 25-давлат мактабгача таълим ташкилоти** каби ижтимоий объектларни таъмирлаш ва моддий-техник базасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар молиялаштирилиши белгиланди.

[Тўлиқ рўйхат](#)

2022-04-08 13:39:38